# Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

2013 йил — Обод турмуш йили

O‘zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi www.qishloqhayoti.uz 2013-YIL 27-IYUN, PAYSHANBA, 78 (8159)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.


## ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!



АНДИЖОН ВИЛОЯТИ МАРКАЗИДА БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ КЎЛАМИ ТОБОРА КЕНГАЙМОҚДА. ЖУМЛАДАН, ШАҲАРНИНГ БОБУР ШОҲКЎЧАСИНИ КЕНГАЙТИРИШ, АСФАЛЬТЛАШ, ЙЎЛАКЛАРГА ПЛИТКАЛАР ЁТҚИЗИШ, АРИҚЧАЛАРДА СУВНИНГ РАВОН ОҚИШИНИ ТАЪМИНЛАШГА ДОИР ИШЛАР ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРИЛМОҚДА. БУНДАЙ ХАЙРЛИ ИШЛАРДА АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ТАЛАБАЛАРИДАН ТУЗИЛГАН ЁРДАМЧИЛАР ГУРУҲИ ФАОЛ ИШТИРОК ЭТМОҚДА.



Хурсандбек АРАББОЕВ (ЎзА) олган суратлар.




▶Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртида битирувчиларга диплом ва кўкрак нишонларини топшириш маросими бўлиб ўтди.

**▶Сирдарё вилоятининг Сайхунобод туманида “Сардор текстиль бизнес” масъулияти чекланган жамияти томонидан янги тикув цехи ишга туширилди. Банк кредити асосида замонавий ускуна ва тикув машиналари билан жиҳозланган корхонада ишлаб чиқарилаётган турли ҳажм ва бичимдаги сифатли кийим-кечак ва чойшабларга ички бозорда талаб ортмоқда.**

▶Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти(ЕХҲТ)нинг лойиҳалари координатори офиси ҳамда “Чинор” экологик нашриёт компанияси ҳамкорлигида Тошкент вилоятининг Янгийўл туманидаги Минтақавий балиқ кўпайтириш шўъба корхонасига экологик медиатур ташкил этилди. Тадбир иштирокчилари балиқчиликни ривожлантириш, сув ҳавзаларида балиқларни кўпайтириш ва уларга озуқа тайёрлаш бўйича олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишди.

**▶Термиз шаҳрида “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари” мавзуида ўқув-семинар ўтказилди.**

## САҲИФАЛАРДА:




«СЕНИ КУЙЛАЙМИЗ, ЗАМОНДОШ!» 2

ЁШЛАР ГЛОБАЛ ТАРМОҚ ҚАРШИСИДА 4





ШАФФОФ ИЛОНБАЛИҚ 8

▼ «СЕНИ КУЙЛАЙМИЗ, ЗАМОНДОШ!»

# ТЕАТР САҲНАСИДА МИЛЛИЙ ҚАҲРАМОНЛАРИМИЗ ТАЛҚИНИ

## ПОЙТАХТИМИЗДА ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 22 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАБ ЎТКАЗИЛАЁТГАН «СЕНИ КУЙЛАЙМИЗ, ЗАМОНДОШ!» ЎЗБЕКИСТОН ТЕАТРЛАРИНИНГ 2-РЕСПУБЛИКА ТАНЛОВИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

**Юртимиз Ўзбекистон мустақил давлат деб эълон қилинган кундан бошлаб Президентимиз раҳнамолигида ўтган давр мобайнида барча соҳаларда олиб борилган туб ислоҳотларнинг самарали натижаларини бугун дунё ҳамжамияти эътироф этмоқда. Шу ўринда бу кенг қамровли бунёдкорлик ишларида миллионлаб ватандошларимизнинг фидокорона меҳнатлари мустақил Ўзбекистонимиз тараққиётига муносиб ҳисса бўлиб қўшилаётганини таъкидлаш жоиз. Бугун жаҳонда тан олинган "Ўзбек модели" туфайли турли иқтисодий бўҳронлардан эсон-омон ўтиб, тобора юксалиб бораётган ҳозирги шароитда, Ватан тинчлиги ва фаровонлиги йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилиб келаётган чинакам қаҳрамонларимизни адабиёт ва санъат асарлари қаҳрамонларига айлантириш, шу йўлда тинимсиз изланишлар олиб бориш ҳар бир ижодкор олдида турган шарафли вазифадир.**



Асқар ЁҚУБОВ (ЎзА) олган суратлар.

Шу маънода, муҳтарам Президентимизнинг 2010 йил 30 август куни Бухоро шаҳрида бунёд этилган вилоят мусиқали драма театрининг янги биносига ташрифи чоғида театр санъатининг халқимиз маънавий-маърифий ҳаётида тутган ўрни, давр билан ҳамнафас яшаётган, ҳаёт синовларида тобланган фидойи инсонлар ҳақида ҳикоя қилувчи асарларни саҳнага олиб чиқишнинг аҳамияти, фарзандларимизнинг маънавий дунёсини мустаҳкамлайдиган, келажакка ишончини оширадиган, ориятни кучайтирадиган, ибрат бўладиган замонавий образ яратиш зарурати хусусидаги фикр-мулоҳазалари бу борада олиб борилаётган изланишларнинг мазмун-моҳиятини ташкил этади.



Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Ўзбектеатр" ижодий ишлаб-чиқариш бирлашмаси ҳамда кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда Ватанимиз Мустақиллигининг 22 йиллигига бағишлаб, жорий йилнинг 23-28 июнь кунларида пойтахтимизда ўтказилаётган "Сени куйлаймиз, замондош!" Ўзбекистон театрларининг 2-Республика танлови ана шу эзгу амалларни бажаришга хизмат қилаётир.

Танловнинг очилиш маросимида сўз олган Маданият ва спорт ишлари вазири М.Ҳожиматов ва бошқалар миллат қаҳрамонларига айланган ватандошларимизнинг саҳнада намоён бўлиши ёшларда юртга садоқат, миллий ва умуминсоний ғояларга эҳтиром туйғуларини кучайтириш ва юксак интеллектуал салоҳиятли авлодни камолга етказишда алоҳида аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади.

— Танловда иштирок этиш учун республикамиз театрларидан 30 дан ортиқ саҳна асарлари тавсия қилинди, - дейди "Ўзбектеатр" бирлашмаси бош директори О.Ризаев. — Етук театр мутахассислари томонидан спектакллар кўриб чиқилиб, саралаш жарёнида 15 та асардан иборат танлов дастури шакллантирилди.

Танловда Ўзбек миллий академик драма театри "Ойдин", Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқий театри "Меъмор", Ўзбек давлат драма театри "Ҳаёт формуласи", Тошкент давлат мусиқали комедия (оперетта) театри "Эхо любви", Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат мусиқали театри "Нур соядa қолмас", Сапар Хўжаниёзов номидаги Қорақалпоқ давлат ёш томошабинлар театри "Она-қизим, чироғим", Аббос Бакиров номидаги Андижон вилояти ёшлар театри "Меҳр қолур", Ҳамид Олимжон номидаги Самарқанд вилояти мусиқали драма театри "Садоқат", Олим Хўжаев номидаги Сирдарё вилояти мусиқали драма театри "Аёл қадри", Маннон Уйғур номидаги Сурхондарё вилояти мусиқали драма театри "Алла", Юсуфжон қизиқ Шакаржонов номидаги Фарғона вилояти мусиқали драма театри "Сени соғиндим", Фарғона вилояти рус драма театри "Ангел", "Эски мачит" театр-студияси "Ҳаёт бўсағасида" спектакллари билан қатнашади. Шунингдек, Ўзбекистон Ёшлари театри "Содом и Гоморра XXI" спектакли ҳамда Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти битирувчи талабалари "Ҳалима" спектакли билан танловдан ташқари иштирок этади.

Театр санъати соҳасидаги энг яхши асарлар учун ташкил этилган ушбу танловдан кўзланган асосий мақсад Ватанимиз мустақиллигини, миллий қадриятларимиз ва юртимизда олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишларини тараннум этувчи профессионал даражаси юқори бўлган замонавий мавзулардаги спектаклларни яратиш, ўзаро ижодий тажриба алмашишни юзага келтириш ҳамда томошабинларни миллий театр санъатимизнинг энг сара намуналари билан яқиндан таништиришдан иборатдир.

Бир ҳафта давом этадиган "Сени куйлаймиз, замондош!" Ўзбекистон театрлари 2-Республика танлови доирасида "Саҳнада замондош образи" мавзусида илмий-амалий конференция ҳам ўтказилиши режалаштирилган.

**Гулноза ТУРҒУНБОЕВА,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

▼ ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИ КУРАШ ОЙЛИГИ

# ЗАҲРИҚОТИЛ ЙЎҚ ҚИЛИНДИ

**Пойтахтимизнинг Сергели туманидаги заводлардан бирида Ҳукумат топшириғига биноан Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати томонидан бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан ҳамкорликда наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш давомида мусодара қилинган наркотик моддаларнинг навбатдаги туркуми йўқ қилинди.**

26 июнь — Халқаро гиёҳвандлик моддаларини суиистеъмол қилиш ва уларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш куни муносабати билан ўтказилган ушбу тадбир кенг жамоатчилик эътиборини глобал муаммолардан бири бўлмиш гиёҳвандлик балосига яна бир бор қаратиш мақсадида ташкил этилди. Унда халқаро ташкилотлар, давлат ва жамоат бирлашмалари, мамлакатимизда фаолият юритаётган дипломатик корпус вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Мамлакатимизда қўлланиладиган амалиётга мувофиқ судларда ашёвий далил сифатида кўрсатилган наркотик воситалар ҳукм кучга киргач, Наркотикларни назорат қилиш бўйича давлат комиссияси аъзолари томонидан суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакиллари иштирокида махсус ажратилган печларда ёқиб юборилади.

Анъанага мувофиқ Идоралараро комиссия аъзолари иштирокида домна печларида 1 тонна 537 килограмм гиёҳвандлик воситалари, шу жумладан, 198,2 килограмм героин, 760 килограмм қорадори, 411 килограмм марихуана, 140,7 килограмм гашиш, 27 килограмм кўкнори, қарийб 20 минг туп наша ўсимлиги, кўплаб таблетка ва эритма шаклидаги психотроп моддалар ёқиб юборилди. Шунингдек, наркожиноятчиларни қўлга олиш ҳолатлари тасвирланган видеоматериаллар ҳам намойиш қилинди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш бўйича халқаро ҳамжамият олдидаги ўз мажбуриятларини тўлақонли бажаришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Мамлакатимиз БМТнинг "Наркотик моддалар тўғрисида"ги, "Психотроп моддалар тўғрисида"ги ҳамда "Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш тўғрисида"ги Конвенцияларига қўшилган. 1999 йилда Ўзбекистон Республикасининг "Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди.

Мамлакатимиздаги нарковазиятга салбий таъсир кўрсатаётган асосий омил гиёҳвандлик воситаларини ишлаб чиқариш бўйича жаҳонда биринчи ўринда турадиган Афғонистон билан чегарадошликдир. Халқаро экспертлар маълумотларига кўра, 2012 йилда Афғонистонда кўкнори экилган майдонлар 154000 гектарга етган, ваҳоланки, бу кўрсаткич 2011 йилда 131000 гектарни ташкил этган эди. Ҳосилдорлик гектарига 44,5 килограммдан 23,7 килограммга тушганлиги сабаб, опий ишлаб чиқариш 36 фоизга камайиб, 3700 (2011 йилда 5800) тоннани ташкил этган. Аммо мутахассислар аввал ишлаб чиқарилган опий захираси бир неча минг тоннани ташкил этишини, яъни маҳсулот етиштиришнинг нисбатан камайгани вазиятни енгиллата олмаслигини таъкидлашмоқда.

2014 йилда эса Афғонистондаги халқаро коалиция ҳарбий кучлари мамлакатдан олиб чиқиб кетилиши кутилмоқда. Бу ҳолатда минтақадаги нарковазият янада кескинлашиши мумкин.

Афғонистонда ишлаб чиқарилган опий ва героин Ўзбекистон ҳудудига асосан Тожикистон, Қирғизистон Республикалари, қолаверса, бевосита Афғонистондан Амударё орқали Сурхондарё вилоятига, жануби-шарқда Самарқанд ва Сирдарё вилоятларига, шимоли-шарқда Фарғона водийси ҳамда Тошкент вилояти ҳудудларига кириб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан трансмиллий наркогуруҳларнинг қонунга зид фаолиятини аниқлаш ва уларга чек қўйиш, контрабанда каналларини ёпиш, гиёҳванд ўсимликлар майдонларини йўқ қилиш, шу орқали гиёҳвандлик иллати ёйилишининг олдини олиш бўйича махсус комплекс операциялар мунтазам равишда амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази маълумотларига кўра, 2012 йилда наркотикларнинг ноқонуний айланиши билан боғлиқ жиноятлар сони 8155 тани ташкил этган. Уларнинг 4217 таси наркотик моддаларни ўтказиш, 676 таси контрабанда, 1479 таси гиёҳвандлик ўсимликларини экиш, 157 таси бангихоналар ташкил қилиш ва 1626 таси бошқа турдаги наркожиноятлардир.

Гиёҳвандликка қарши курашда мамлакатимизнинг халқаро ташкилотлар билан ўзаро яқин ҳамкорлиги йўлга қўйилган. БМТ, ЕИ, ЕХҲТ ва ШҲТ лойиҳалари доирасида мувофиқлаштириш, мониторинг қилиш ва ижрони таъминлаш бўйича ишлар амалга оширилмоқда. Республика ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари Россия-НАТО Кенгаши доирасида наркотик моддаларнинг ноқонуний муомаласига қарши қаратилган 12 та ўқув курсида иштирок этди. Халқаро лойиҳалар доирасида республика ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан наркотрафик ва гиёҳвандликнинг тарқалишига қарши кураш бўйича мутасадди вазирлик ҳамда муассасаларнинг 245 нафар ходими учун ўқув тренинглари ва курслари ўтказилди.

Имзоланган битимлар доирасида БМТ Наркотиклар ва жиноятчилик бошқармаси, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти, Марказий Осиё давлатлари ва Россия Федерациясининг мувофиқлаштирувчи тузилмалари билан нарковазият тўғрисида маълумот алмашинуви таъминланмоқда.

**Азиз НУРУЛЛАЕВ**

27 ИЮНЬ — МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

# Давр билан ҳамнафас

**Бугунги кун журналисти жамият зиёлилари орасида халққа яқинлиги, ҳаётнинг ичига дадил кириб бораётганлиги, ислоҳотларни журъатли ва асосли ёритишга интилаётганлиги билан ажралиб туради. Бу имконият ва шароит давлатимиз раҳбари томонидан яратиб берилмоқда.**

**Фармон ТОШЕВ,**
*«Зарафшон» ва «Самаркандский вестник» газеталари бирлашган таҳририяти бош муҳаррири, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси.*

Давр журналистлардан таъсирчан, халқ дардини ифодалайдиган, юрт равнақини кўзлайдиган, ишончли сўзни айтишни тақозо этаётир.

Газета материаллари маълум бир хабарни етказиш билан бирга газетхон онгига таъсир этиши, уни қизиқтириши, мулоҳазага чорлаши, белгиланган аниқ мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун руҳлантириши ёки даъват этиши лозим. Бунга эришиш мақсадида газетамизнинг ҳар бир сонида шу куннинг нафаси уфуриб турган мақолалар бериб боришга интиляпмиз. Бунда ижодий ходимларимиздан Адҳам Ҳайитов, Тоғаймурод Шомуродов, Ғолиб Ҳасанов, Убайдулла Сирожев, Гулруҳ Мўминова, Акрам Ҳайдаров, Шермат Санаевлар муаммоли мақолалар, таҳлил, жамият ва шахс муносабатларига доир кузатувлар ёзиб, воқеа-ҳодиса, янгиликларга холис ёндашмоқдалар.

Турли соҳалар билан алоқаларни мустаҳкамлаш, газета мазмун-мундарижасини бойитиш мақсадида махсус рукнлар, саҳифалар ташкил этганмиз. Жумладан, ҳар ойда бир марта «Газета ва газетхон», «Спорт ва саломатлик», «Бу бўстон саҳнида...» саҳифалари чоп этилади.

Газета саҳифаларида муштарийлар фикр-мулоҳазалари, жамият ҳаётига бўлган муносабатларини янада эркинроқ билдиришлари учун «Муштарий фикри», «Виждоннинг бугунги сўроғи», «Ким қилади-я шугинани-я!», «Бир мавзуда икки фикр», «Хат таҳрирсиз босилмоқда», «Хатлардан сатрлар», «Рўзғорини уддалаётганлар», «Ишонч телефони»га айтишларича» каби рукнлар анъана тусини олган. Шунингдек, фуқароларга ўз ҳуқуқ ва бурчларини яхшироқ билиб олишлари учун савол-жавоб тарзида «Сўраган эдингиз», «Саволларингизга адвокат жавоб беради», «Раҳбарга саволингиз борми?» каби махсус рукнлар остида материаллар бериб борилмоқда.

Мана, олти йилдирки, газетамиз ўз веб-сайтига эга. У ҳафтада уч марта янгиланади. Асосан хабар мазмунидаги материаллар, мулоҳазали ва ижтимоий-иқтисодий мавзулардаги мақолалар жойлаштирилмоқда, ҳар ойда бир мавзуда ижтимоий сўров ўтказилмоқда.

Нашрнинг ҳудудларда «ўз мухбири» бўлса, ўқувчисини топади. Шундан келиб чиқиб, «Ҳар бир ижодий ходимда уч нафардан ёрдамчи – жамоатчи мухбир бўлиши керак» деган тамойилга



амал қилинмоқда. Натижада ҳар ойда муштарийлардан 220-250 атрофида хат-хабар, мақола келяпти. Улардан асосий қисми эса газетада чоп этилмоқда. Улар билдирган таклиф ва мулоҳазалар таҳририят ижодий ходимлари касб маҳорати ошишига, газетанинг ўқишли, оммабоп бўлишига хизмат қилаётир.

Муҳтарам Президентимиз ташаббуси билан юртимизда йилларга ном берилиши ва махсус давлат дастурлари изчил амалга оширилиши жараёнлари ҳам газета саҳифаларида мунтазам ёритилмоқда. Шу мақсадда ҳар йили махсус саҳифа ташкил этилмоқда ва у кейинги йилларда ҳам давом эттирилади. Жумладан, "Мустаҳкам оила йили" муносабати билан 2012 йилда газетада ойда бир марта "Оила даврасида", жорий – "Обод турмуш йили"да эса "Ҳаёт манзаралари" деб номланган махсус саҳифалар чоп этилмоқда. Бундан ташқари, Давлат ва ҳудудий дастурлар ижросини таъминлашда назорат ишларини самарали олиб бормоқда. Шу мақсадда «Обод турмуш йили Давлат дастури – амалда», «Дастур ижросига ким масъул?», «Давлат дастури қандай бажарилаяпти?» каби рукнлар остида бериб борилаётган мақолалар кўпчиликнинг кўнглидаги гап бўлмоқда. Қувонарлиси, «Зарафшон» ижодкорларининг жамоатчилик билан ишлаш, маҳаллий кенгашлар фаолиятини ёритиш борасидаги бу каби тажрибаси эндиликда республика миқёсида эътироф этилмоқда.

Таҳририятимиз қошида 2006 йилдан буён "Журналистик маҳорат маркази"нинг фаолият юритиши вилоятимиздаги оммавий ахборот воситалари ходимлари билим ва малакасини ошириш, соҳага ёш журналист кадрлар тайёрлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу пайтгача марказда сабоқ олиб, малака оширган икки юз нафарга яқин ёшларнинг 20 нафари вилоятдаги газета таҳририятлари, телевидение ва радиоканалларда меҳнат қилаётган бўлса, кўпчилиги ижодий жамоаларнинг жамоатчи мухбири сифатида қатнашиб келишяпти.

Жорий йилда ўтказилган «Олтин қалам» VIII Миллий мукофоти учун халқаро танловида «Энг яхши журналистик материал учун» номинациясида фахрли иккинчи ўринни қўлга киритганимиз ҳам ижодий жамоамизнинг камтарона меҳнатига берилган баҳо бўлди, дейиш мумкин.

Давр ўтмоқда, замон ўзгармоқда, мамлакатимиз кўз илғамас тезлик билан ривожланмоқда. Журналистнинг ҳаётдан орқада қолишга ҳаққи йўқ. У доимо тезкор замоннинг адолатли ва ҳақиқий солномачиси бўлиши керак. Жамоамиз ҳам ана шу йўлдан дадил қадам ташламоқда.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот хизмати томонидан 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан "Қонунчилик фаолиятини жамоатчиликка етказишда журналист маҳорати" мавзуида Парламент журналистлари клубининг навбатдаги йиғилиши ўтказилди.**

## ПАРЛАМЕНТ ЖУРНАЛИСТЛАРИ ФАОЛИЯТИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Унда таъкидланганидек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот хизмати фаолияти йўлга қўйилгач, Парламент журналистларини тайёрлаш ҳамда уларнинг ихтисослашувига алоҳида эътибор қаратилди. Парламент фаолиятини ёритувчи журналистларнинг касб маҳорати ва тажрибасини ошириш, ОАВ вакиллари билан Қонунчилик палатаси ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш мақсадида Парламент журналистлари клуби мунтазам равишда фаолият юритиб келмоқда. Клуб мажлисларида парламент ҳаётини ёритиш бўйича тажриба алмашилмоқда, эфирга узатилган ва чоп этилган материаллар атрофлича таҳлил қилиниб, ютуқ ва камчиликлари кўрсатилмоқда.

Йиғилишда қонун ижодкорлигини тубдан такомиллаштириш, қонунларнинг мазмун-моҳиятини жамоатчиликка етказиш, хусусан, бир қатор қонун ҳужжатларига киритилаётган муҳим ўзгаришлардан аҳолини тезкор хабардор этиш масалаларига эътибор қаратилди. "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларидан келиб чиқадиган вазифалар ва Қонунчилик палатаси Кенгаши ҳузурида ташкил этилган Мувофиқлаштирувчи гуруҳ фаолияти хусусида маълумот берилди. Шунингдек, "Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонун лойиҳасининг синови бўйича ҳуқуқий эксперимент ўтказилаётганлиги, бу жараён қонун меъёрларини янада такомиллаштириш баробарида ушбу янги ҳуқуқий ҳужжатнинг демократик тамойилларга асосланиб тайёрланаётганлигидан далолат эканлиги алоҳида таъкидланди.

Тадбир якунида Парламент фаолиятини ёритишда фаоллик кўрсатган бир гуруҳ оммавий ахборот воситалари вакиллари тақдирландилар.

**Шодиёр ЙЎЛДОШЕВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди***

# ГРАНТ ОЛИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ТАНЛОВ МАВЗУСИ: ***«Шаҳарлар, маҳаллалар ва кўчаларни ободонлаштириш ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш масалаларида аҳоли ва ННТларнинг фаоллигини ошириш»***

**Танловда Ўзбекистон Республикасининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг қуйидаги йўналишлардаги лойиҳалари кўриб чиқиш учун қабул қилинади:**

*- соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги муҳим давлат дастурларини амалга оширишда ва бошқа ижтимоий аҳамиятга молик муаммоларни ҳал қилишда ННТлар фаоллигини ва самарали иштирокини таъминлаш;*

- экотуризмни ривожлантириш;

- аҳолининг турли қатламлари ва ижтимоий гуруҳлари ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, тиббий ва экологик маданиятни юксалтириш;

- муқобил энергия манбаларидан, замонавий инновацион энергия ва сув тежаш технологияларидан уй хўжалиги, деҳқон хўжалиги, оилавий тадбиркорликни юритишда кенг фойдаланиш;

*- чиқиндиларни қайта ишлаш технологияларини жорий этишга кўмаклашиш;*

- биохилмахилликни, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ноёб турларини сақлашга кўмаклашиш;

- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги қонунчиликни ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар бажарилиши устидан жамоатчилик экологик назорати механизмларини ривожлантириш;

- табиатни муҳофаза қилиш борасидаги фаолиятга давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, ўзини-ўзи бошқариш органлари, тадбиркорлик субъектлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакилларини жалб қилиш.

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:**

1. Жамоат фонди номига ариза тақдим этилаётганлиги ҳақидаги кузатув хати;

2. Жамоат фондининг www.fundngo.uz сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган грант лойиҳасининг аризаси;

3. Грант лойиҳанинг электрон шакли (funduz@parliament.gov.uz электрон манзилига тақдим этиш);

4. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси;

5. Низом нусхаси (ташкилот муҳри билан тасдиқланган ўзгариш ва қўшимчалар билан). Бундан ташқари, тақдим этилаётган ҳужжатларга манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг тавсияномаси ва мазкур лойиҳанинг қўллаб-қувватлаш хати илова қилиниши мумкин.

**Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант микдори – 15 миллион сўмгача.**

ННТларнинг ўз маблағларини жалб этилиши қўллаб-қувватланади.

Ҳужжатлар оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган кундан бошлаб 2013 йил 15 июль соат 18.00 га қадар қабул қилинади.

Танловда давлат рўйхатидан ўтган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этишлари мумкин.

Танлов бўйича ҳужжатлар муҳрланган конвертда (А4 формат): «100035, Тошкент шаҳри, Бунёдкор шоҳ кўчаси, 1-уй» манзилда жойлашган **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди** номига юборилиши шарт.

Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатларининг намуналари билан Жамоат фондининг **www.fundngo.uz** расмий сайтида танишиш мумкин.

Маълумот учун телефон: 239-26-76, 239-26-64.

# ЁШЛАР ГЛОБАЛ ТАРМОҚ ҚАРШИСИДА

## БУТУН ДУНЁ БИЛАН ФАОЛ МУЛОҚОТГА КИРИШАЁТГАН НАВҚИРОН АВЛОД ҚАЙСИ ЖИҲАТЛАРДАН ЮТМОҚДА?

**Ҳозирги тез ўзгарувчан дунёда ўзгармас ҳақиқатлардан бири шундай: ёшлари соғлом, баркамол ва ватанпарвар бўлиб вояга етаётган давлатгина қудратлидир. Шу боис, Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан жисмонан соғлом, маънавий етук, эркин фикрловчи ва келажакка ишонч билан қаровчи баркамол авлодни тарбиялаш масаласига устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Ёшлик ҳар бир инсон ҳаётидаги фусункор ва бетакрор даврдир. Психологларнинг таъкидлашича, инсоннинг ёшлигида қалби, онгу шуурига муҳрланган кечинма ва кўникмалар умрбод сақланар экан. Инсон ёши улғайган сайин болалигини кўпроқ ёдга олишини ҳам, навқиронлигидаги кечинма ва кўникмалар таъсирида ҳаракат қилишини ҳам шу тариқа изоҳлаш мумкин.**



### КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР ЭШИГИ

Балоғат остонасига қадам қўяётган ҳар бир ўғил-қизнинг билганидан билмагани кўп. Улар билмаганини ўрганиш, бинобарин, мавҳумликка барҳам бериш мақсадида ахборот излайдилар. Айнан шу сабабли уларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжи ёши катталарга нисбатан кучлироқ.

Ахборот асри деб ном олган ҳозирги даврда табиатан интилувчан ва изланувчан навқирон авлод вакиллари учун улкан имкониятлар яратилган. Мамлакатимизда замонавий ахборот технологияларининг барча соҳага изчил татбиқ қилинаётгани натижасида фуқароларимиз, айниқса, фарзандларимиз ўзига керакли бўлган ахборотларни излашда телевидение, радио, матбуот нашрлари қаторида глобал тармоқ – интернетдан ҳам кенг фойдаланмоқдалар.

Ўзбекистон Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси маълумотларига кўра, республикамизда интернетдан фойдаланувчиларнинг сони 9,8 миллиондан ошган. Шу ўринда қишлоқ ёшлари ҳам интернетдан фойдаланиш кўникмаларини чуқур эгаллаб бораётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ҳозирга қадар қишлоқларда яшовчи 30 мингга яқин йигит-қизлар махсус ўқув дастурлари асосида ахборот-коммуникация технологиялари бўйича ўз билимларини оширди.

Айни пайтда деярли ҳар учинчи юртдошимизнинг компьютер ёки мобиль телефони глобал тармоққа уланган. Бу эса фуқароларимизнинг бутун дунё билан фаол мулоқотга киришаётганини англатади. Аммо мазкур жараёнда бир нозик жиҳат мавжудки, бунга асло бефарқ қараб бўлмайди: интернетдан ёвуз ғояларни тарқатиш воситаси сифатида фойдаланиб, ёш авлодни разолат сари етаклашга уринувчи қабиҳ кучлар бугунги кунда ҳар қачонгидан кўра кўпроқ фаоллашаётгани боис, дунёқараши эндигина шаклланаётган ўғил-қизларимиз уларнинг қармоғига беихтиёр илиниб қолиш эҳтимоли бор. Шунинг учун ҳар бир ёш юртдошимиз ўзида глобал тармоқдаги ахборот оқимлари орасидан фойдалисини излаш ва ажратиб олишдек салоҳиятни шакллантириши мақсадга мувофиқдир.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида шундай сатрлар бор: “Инсон маънавиятига қарши йўналтирилган, бир қарашда арзимас бўлиб туюладиган кичкина хабар ҳам ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиши мумкин”.

Дарҳақиқат, интернетдаги айрим сайтлар орқали тарқатилаётган, турли мавзуларга оид маълумотлар сиртдан қараганда беозор бўлиб туюлса-да, аслида уларнинг таъсири остида нохуш, ҳатто мудҳиш воқеалар рўй бериш мумкинлиги дунёнинг баъзи минтақаларида кузатилаётган нотинчлик ва қарама-қаршиликлар мисолида ҳам ўз тасдиғини топмоқда.

### ОНГУ ШУУРНИ ЭГАЛЛАШ ҚАРМОҒИ

Ахборот хуружлари кишилар, айниқса, ёшлар онгу шуурини ўзгартиришга, аниқроқ айтганда, уларда ўз давлати ва жамиятининг тартиб-таомилларига нисбатан салбий муносабат шакллантиришни кўзда тутади. Ушбу омил айни пайтда глобал тармоқ воситасида шиддатли тус олмоқда.

“La Repubblica” нашрининг хабар беришича, яқинда Италиядаги ёшлар қизиқишларини ўрганиш билан шуғулланувчи “Panorama” нодавлат ташкилоти вакиллари ушбу мамлакатда яшовчи 25 ёшгача бўлган 7 мингдан зиёд ўғил-қизлар ўртасида сўровлар ўтказган. Қайд этилишича, мазкур сўровларда қатнашганларнинг деярли тенг ярми интернетдаги “кўнгилочар” сайтларда “сайр қилиш”га мойил эканини яширмаганлар.

– Порнография ва зўравонликни тарғиб қилувчи веб-сайтларни мунтазам кузатиб бораётган ёшлар ғарб мамлакатларида кўпчиликни ташкил этмоқда, – дейилади нодавлат ташкилотининг бу борадаги ҳисоботида. – Бундай деструктив веб-сайтлар йигит-қизларнинг онгу шуурига салбий таъсир кўрсатиб, ачинарли оқибатларни келтириб чиқармоқда.

“El Pais” нашрининг Испания болаларни ҳимоя қилиш агентлиги вакиллари билан берган маълумотлар асосида тарқатган хабари эса юқоридаги сўзларни тасдиқлайди. Хабарда айтилишича, сўнгги икки йил давомида Испанияда интернетдан фойдаланувчи ёшларнинг 42 фоизи камида бир маротаба, 12 фоизи эса бир неча маротаба “виртуал олам”да руҳий таъқибга учраган.

ЮНЕСКО маълумотларига кўра, дунёнинг турли минтақаларида ирқчилик ва миллатчилик руҳидаги кўплаб ёшлар ташкилотлари ноқонуний фаолият олиб боради. Таҳлилчиларнинг таъкидлашича, ушбу ташкилотлар сафларидаги йигит-қизларнинг аксарияти айнан глобал тармоқ орқали қабиҳ кучларнинг қармоғига илиниб қолган. Бундан ташқари, вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик кўламининг кенгайишида интернетдаги бузғунчи сайтларнинг таъсири катта. Шу сабабли ҳам ёш авлод вакилларида интернетдаги бузғунчи сайтларга нисбатан танқидий муносабатни шакллантириш тақозо этилмоқда. Бу халқаро жамоатчилик олдида турган долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

### ФАОЛ ФУҚАРОЛИК ПОЗИЦИЯСИ — МУСТАҲКАМ ҚАЛҚОН

– Мамлакатимиз ёшлари ўз фикри, фаол фуқаролик позициясига эга, – дейди Ўзбекистон Халқ демократик партияси Юқори Чирчиқ тумани кенгаши раиси, “Дўстлик” ордени соҳиби Латифжон Мансуров. – Шунинг учун юртимизнинг эртанги кунидан кўнглимиз тўқ. Президентимиз раҳнамолигида ёшларга қаратилаётган юксак эътибор натижасида ўғил-қизларимиз эркин ва фаровон ҳаёт бағрида, ҳеч кимдан кам бўлмай яшамоқдалар. Гапимнинг тасдиғи сифатида республикамизда давлат бюджети харажатларининг 60 фоизга яқини соғлиқни сақлаш, таълим, маданият ва спорт соҳаларини янада ривожлантиришга йўналтирилаётганини, бу эса, ўз навбатида, ёшларимизнинг баркамол инсонлар бўлиб камол топишига хизмат қилаётганини айтиш мумкин. Бу дунё тажрибасида камдан-кам учрайдиган ҳолат экани ҳатто халқаро миқёсда ҳам кенг эътироф этилмоқда.

Ҳар бир халқ ўз бағрида улғаяётган ёш авлод тимсолида асрий орзу-умидларни рўёбга чиқарадиган буюк кучни кўриши табиий. Лекин дунёнинг ривожланган давлатларида ҳам ёшлар қалбига қулоқ солиш, уларни эзгу ва улуғ мақсадларнинг рўёбга чиқаришга ундаш, бу борада ғамхўрлик қилишга Ўзбекистондагидек эътибор қаратилмайди. Айни пайтда республикамиз аҳолисининг 40 фоизини 18 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Улар бетакрор миллий қадриятларимиз, бой маданий меросимизнинг муносиб ворислари бўлиш билан бирга, дунё илму фани ютуқларини пухта ўзлаштираётган, манаман деган давлатлардаги тенгдошларидан ўзишга тайёр, бинобарин, буюк ишларга қодир шижоатли кучдир.

Эртанги кун эгалари бўлмиш ёшларимиз глобал тармоқдан кенг фойдаланган ҳолда ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини янада юксалтиришлари, шубҳасиз, муқаддас Ватанимиз шуҳратига шуҳрат қўшади. Лекин ҳозирги глобаллашув даврида интернетнинг салбий жиҳатлари мавжудлигини ҳам унутмаслигимиз керак.

Мамлакатимизда ёш авлод вакиллари замон билан ҳамнафас вояга етиши, ўз истеъдодларини тўлақонли рўёбга чиқариши учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган. Чунки Президентимиз таъкидлаганидек, болаларимиз онгини фақат ўраб-чирмаб, уни ўқима, буни кўрма, деб бир томонлама тарбия бериш, уларнинг атрофини девор билан ўраб олиш, ҳеч шубҳасиз, замоннинг талабига ҳам, бизнинг эзгу мақсад-муддаоларимизга ҳам тўғри келмайди.

**Сайдодил САЙДИСЛОМОВ**

---

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди*

# ГРАНТ ОЛИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ТАНЛОВ МАВЗУСИ: ***“Мустақил фикрлайдиган, қатъий ҳаётий позиция ва ишончга эга ёшларни тарбиялаш, уларни мамлакатимизнинг бой тарихий мероси билан яқиндан таништириш, ёшларнинг илмий-техник, ижодий, интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш йўналишидаги лойиҳаларни давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда амалга ошириш”***

**Танловда Ўзбекистон Республикасининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фукаролик жамияти бошқа институтларининг қуйидаги йўналишлардаги лойиҳалари кўриб чиқиш учун қабул қилинади:**

- мустақил фикрлайдиган, қатъий ҳаётий позициясига ва ишончга эга ёшларни тарбиялаш соҳасида ижтимоий шерикликни кучайтиришга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;
- ёшларнинг илмий-техник, ижодий ва интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш;
- ёшларга эҳтиёж мавжуд бўлган касбларни ўрганишига, олий ўқув юртлари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицей битирувчиларини, айниқса, кичик шаҳар ва қишлоқ жойларда ишга жойлаштиришга кўмаклашиш;
- истеъдодли, қобилиятли ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этилишига, ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини намоён қилишига шароит яратиш;
- ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, мамлакатимизнинг бой тарихий мероси билан ошно қилиш;
- ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, уларни гиёҳвандликдан, ахлоқсизликдан, турли зарарли хавф ва бошқа ёт таъсирлардан, савияси паст «оммавий маданият»нинг ёшлар онгига сингдирилишидан ҳимоя қилиш.

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:**

1. Жамоат фонди номига ариза тақдим этилаётганлиги ҳақидаги кузатув хати;
2. Жамоат фондининг **www.fundngo.uz** сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган грант лойиҳасининг аризаси;
3. Грант лойиҳанинг электрон шакли (funduz@parliament.gov.uz электрон манзилига тақдим этиш);
4. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси;
5. Низом нусхаси (ташкилот муҳри билан тасдиқланган ўзгариш ва қўшимчалар билан). Бундан ташқари, тақдим этилаётган ҳужжатларга манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг тавсияномаси ва мазкур лойиҳанинг қўллаб-қувватлаш хати илова қилиниши мумкин.

**Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори – 15 миллион сўмгача.**

ННТларнинг ўз маблағларини жалб этилиши қўллаб-қувватланади.

Ҳужжатлар оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган кундан бошлаб 2013 йил 15 июль соат 18.00 га қадар қабул қилинади.

Танловда давлат рўйхатидан ўтган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этишлари мумкин.

Танлов бўйича ҳужжатлар муҳрланган конвертда (А4 формат): “100035, Тошкент шаҳри, Бунёдкор шоҳ кўчаси, 1-уй” манзилда жойлашган **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди** номига юборилиши шарт.

Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатларининг намуналари билан Жамоат фондининг **www.fundngo.uz** расмий сайтида танишиш мумкин.

Маълумот учун телефон: 239-26-76, 239-26-64.

# ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИ ОРТМОҚДА

**Миллий матбуот марказида «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси томонидан тизим корхоналарида маҳсулотларнинг экспорти салоҳиятини юксалтиришга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.**

Тадбирда тармоқ корхоналарини модернизациялаш ва замонавий дастгоҳлар билан техник қайта жиҳозлаш ишлари узвий равишда олиб борилаётганлиги туфайли экспорт салоҳияти йил сайин ортиб бораётганлиги таъкидлаб ўтилди. Агар 2010 йилда 619 миллион АҚШ доллари миқдорида маҳсулот экспорт қилинган бўлса, 2011 йилда ушбу кўрсаткич 660 миллион, 2012 йилда эса 705 миллион АҚШ долларидан ортиқни ташкил этган.

Бугунги кунда "Ўзбекенгилсаноат" ДАК таркибида 290 га яқин корхона фаолият кўрсатаётган бўлиб, 2013 йилнинг январь-май ойларида 761,8 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 119 фоиз ўсишга эришилди. 344,4 миллион АҚШ доллари миқдоридаги енгил саноат маҳсулотлари дунёнинг 50 дан ортиқ мамлакатига экспорт қилинди.

Давлат дастури бўйича тармоқда 31 та янги корхона ишга туширилиши режалаштирилган бўлса, январь-май ойларида 11 та янги корхона ишга туширилди.



Мустақиллигимизнинг 22 йиллиги байрами арафасида Жиззах шаҳридаги "Жиззах пластекс", Юқори Чирчиқ туманидаги ҳамда Қўқон шаҳридаги текстиль корхоналарининг иккинчи навбати ишга туширилиб, яна 1700 та янги иш ўрни яратилади.

